



**БУЮРТМАЧИ:**

**Косонсой тумани 44-сонли Ижтимоий чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасига киш бахор мавсумига сабзи махсулотини сотиб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Косонсой туман -2022**

## Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

### I. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома

#### **ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИҚНОМА**

Ушбу йуриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3 016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентга ҳузурлидаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартибни асосида ишлаб чиқилди.

#### **1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ**

1. Қосонсой туман 44-сонли ИЧБУИДТМ томонидан Наманган вилояти Қосонсой туманидаги 44-сонли имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасасига киш баҳор мавсуми учун сабзи маҳсулотини сотиб олиш бўйича ташкилотлар жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охириги киймати – 3 750 000 (Уч миллион етти юз эллик муинг) сум. Ушбу киймадан ортиқ киймадаги таклифлар қабул қилинмайди ва қуриб чиқилмайди.

Ушбу танлов яқинлари бўйича Ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ўтказиб бериш муддати шартнома имзоланган кундан ва олдиндан тулов сумма ўтказилгандан бошлаб 10 (ун) кун.

1.5. Маҳсулотни ўтказиб бериш муддати - буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

#### **2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Қосонсой туман 44-сонли ИЧБУИДТМ (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили: 160300, Наманган вилоят, Қосонсой тумани, Гулобод МФЙ, Меъмор куча кучаси, 22-уй

Эл адрес: [maxli.maktab44@Umail.uz](mailto:maxli.maktab44@Umail.uz)

Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.2. Танлов электрон тартибда “Буюртмачи” томонидан тузилган ва берилган аризалар асосида Харид комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

#### **3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар қўрсатишга ихтисослашган, юрилик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:

-танлов предмети кийматининг қамиди 20 фоизи миқдоридидаги айланма маблағларининг ёки қўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қаролатномаси, ишлар (товарлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва вақолатлар;

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (товарлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиш, қушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари - талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) такдим этилиши ҳақида мувожаат қилишга ҳақлиқларлар.